

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН АЛИ ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ
“ОҚИЛЛАР ВА АЛДАНГАНЛАР” АСАРИДА НАФС ТАРБИЯСИНИНГ
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

А.Б.Қодирова

ТерДУ Психология кафедраси в/б доценти, психология фанлари бўйича(PhD)
фалсафа доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6660069>

Аннотация. Нафс ишларда ботил, зулм, ёлғонни келтирса, эгасини кўр қилади, унга шуни зийнатлаб кўрсатади, уни алдайди, чалғитади ва бу алдов давом этади. Ҳавойи истаклар нафснинг шахматидир. У ҳақнинг катакларини бир-бир эгаллаб, ниҳоят қалбни ҳақдан тўлиқ ҳоли қилиб қўяди. Алданган киши ўз тажрибасизлиги, нодонлиги билан нафсга алданади. Қалби билан нафс буйруқларига итоат этади. Ҳавойи истаклар нафс соясида нафсга ўз ҳукмини оз-оздан ўтказаверади.

Калит сўзлар: нафс, ёлғон, алдов, қалб, истак, жаҳолат, ҳавойи нафс, ҳақ, адолат, тўғрилиқ.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ САМОВОСПИТАНИЯ В
ПРОИЗВЕДЕНИИ АБУ АБДУЛЛЫ МУҲАММАДА ИБН АЛИ ҲАКИМА ТЕРМЕЗИ
«МУДРЫЕ И ОБМАНУТЫЕ»

Аннотация. Когда нафс приносит ложь, угнетение и ложь, он ослепляет своего владельца, украшает его, обманывает его, отвлекает его, и этот обман продолжается. Воздушные желания — шахматы нафса. Он занимает ячейки правды одну за другой и, наконец, освобождает душу от правды. Тот, кто обманут, обманут своей собственной неопытностью и невежеством. Он повинуется командам нафса всем сердцем. Гавайские желания в тени похоти будут постепенно судить о похоти.

Ключевые слова: похоть, ложь, обман, сердце, желание, невежество, похоть, истина, справедливость, правильность.

PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SELF-EDUCATION IN THE WORK OF ABU
ABDULLAH MUHAMMAD IBN ALI HAKIM TERMEZI "THE WISE AND THE
DECEIVED"

Abstract. When the nafs brings falsehood, oppression, and lies, it blinds its owner, adorns him, deceives him, distracts him, and this deception continues. Airy desires are the chess of the nafs. He occupies the cells of truth one by one, and finally frees the soul from the truth. He who is deceived is deceived by his own inexperience and ignorance. He obeys the commands of the nafs with his heart. Hawaiian desires in the shadow of lust will gradually pass their judgment on lust.

Keywords: lust, lie, deception, heart, desire, ignorance, lust, truth, justice, correctness.

КИРИШ

Ҳамд эгаси ва унга лойиқ Зот Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Расули, набийи ва бандасига салаотлар бўлсин. Биз кўрдикки, Аллоҳ таолонинг дини уч устун: ҳақ, адолат, тўғрилиқ устига қурилган. Ҳақ аъзоларига, адолат қалбларга, тўғрилиқ ақлларга юкланган. Эртага амаллар тортилиши учун тарозига яқинлашганда яхшиликлар ҳақ палласига, ёмонликлар адолат палласига, тўғрилиқ тарозининг тилига қўйилади. Шу билан

Аллоҳнинг ўз бандаларидан бандаликларига розилигининг ниҳояси каби яхшиликларнинг ёмонликлардан оғирлиги маълум бўлади. Шу уч нарса жам бўлган ҳар бир киши: агар ундан (амалдан) ҳақ йўқолса, ўрнига ботил келади. Агар ундан адолат йўқолса, ўрнига зулм келади. Агар ундан тўғрилиқ йўқолса, ўрнига ёлғон келади. Мана шу уч нарса маърифатнинг қўшинидир. Уларнинг зидди бўлган уч нарса эса ҳавойи нафснинг қўшинидир. Нафс ҳавонинг идишидир. У алданганларни қуршаб олган. Нафслари уларни ўз ишларида ботил, зулм ва ёлғонга тушган ҳавойи истаклари билан алдайди.

ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Алданганлар умрларини қалб кулоқлари билан нафслари, ҳавойи истаклари буюрган уч нарсанинг бирини тинглаш ва унга эргашишга ўтказдилар. Нафс ишларда ботил, зулм, ёлғонни келтирса, эгасини кўр қилади, унга шуни зийнатлаб кўрсатади, уни алдайди, чалғитади ва бу алдов давом этади. Бу имтиҳон сиддиқлар, зоҳидлар, обидлар, муттақийлар, зоҳир олимлари бошига бирдек тушади, уларнинг озчилиги бу алданишдан саломат қолади.[3]

Агар зоҳирда дин пешволари бўлган шу кишилар нафс алдовидан саломат бўлмас экан, “хослар” тўғрисида нима дейсан? Улар нафслари зийнатлаган нарсага алдандилар. Уларнинг амаллари - тўғрилиқ, зоҳидлик, ибодат, тақво йўлида чеккан машаққатлари кўнгилларида улуғ кўринди.

Мана шу нарсаларнинг чиройи, гўзаллиги, хусусан, шу нарсалардан пайдо бўлган фахр уларни адо қилди. Бу гўзалликлар улардаги ботиний ёмонликларни ёпди. Уларга шу нарсалар кўринмади. Шу сабали умрларини алданиб ўтказдилар. Улар Аллоҳ таоло ҳузурига ёмон амаллари ўзларига чиройли кўрсатилган ҳолда келдилар. Улар бу ишларни яхши деб билиб, йўллари тўсилди. “Уларга Аллоҳдан ўзлари эътиборга олмаган нарса кўринди”, “Уларга қилган амалларининг ёмонликлари кўринди”, “Уларни истехзо қилган нарсалари ўраб олди”. Ҳар бир киши Аллоҳ тақдирида буюрган насибасини олади. Расулulloҳ (с.а.в)нинг “Гуноҳда давом этгани ҳолда унга истиффор айтган киши Раббисидан қулган кабидир” деган ҳадислари ҳам шу маънода. Гуноҳларнинг зоҳирий - ошкораси ва ботиний – пинҳона турлари бор. Аллоҳ таоло ўз китобида “Гуноҳларнинг ошкорасию пинҳонини тарк қилинг” (*Анъом сураси, 12-оят*), деган. Мўминлардан ошқора гуноҳни тарк қилиб, пинҳонини тарк қилмаганлари бор. Яна улардан гуноҳларнинг ошқораю пинҳонини амалда тарк қилиб, лекин уларни фикрда, иккиланишда, исташда тарк қилмаганлари бор. Бу ҳали гуноҳдан пок бўлди дегани эмас.

Мўмин Аллоҳни танийди, имон билан хотиржамлик топади. Мусулмонлик исмига ҳақли бўлиб, мусулмон деб аталади, шундан сўнг ҳавойи истаклар бошчилигида нафс шаҳватлар билан келади. Аллоҳ таолонинг қазою қадари билан нафс ўз эгасини оз-оздан эгаллаб, алдаб бораверганда уни истиқоматдан оғдириб йиқитади, мақсаддан узоқлаштиради.[4]

Бу шахмат ўйнаётган икки шахматчига ўхшайди. Уларнинг ҳар бирига тегишли катаклар бор. Улардан бири рақибининг катакларини бирма-бир эгаллаб бораверади, охири ҳамма катакларни ўзиники қилиб, уни мот қилади.

Ҳавойи истаклар нафснинг шахматидир. У ҳақнинг катакларини бир-бир эгаллаб, ниҳоят қалбни ҳақдан тўлиқ ҳоли қилиб кўяди. Алданган киши ўз тажрибасизлиги, нодонлиги билан нафсга алданади. Қалби билан нафс буйруқларига итоат этади. Ҳавойи

истаклар нафс соясида нафсга ўз ҳукмини оз-оздан ўтказаверади. Нафс эса қалбни ҳақдан тўсиб, алдайди. Агар қалб буни қабул қилса, у алдангандир. Унинг ҳоли шундай давом этаверса, нафс фурсат топиб, қалбни сиртмоққа солади, асир қилади. Шундан сўнг қалб нафсга у чақирган ҳамма нарсада бўйсунди. Бора-бора нафс уни кичик гуноҳлардан катта гуноҳларга, ҳаёдан шармандаликка олиб чиқади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Отам Солиҳ ибн Муҳаммаддан, у Умар ибн Ҳорундан, у Қудома ибн Мусо ибн Қудомадан, у Ибн Мазъундан, у Русулulloҳ (с.а.в)дан ривоят қилади. У зот айтдилар: “Умматимга олимларнинг адашишидан, ҳақимларнинг тойилишидан ва ёмон таъвилдан кўрқаман”.

Абу Абдуллоҳ (раҳимахуллоҳ) айтди: “Ўшаларнинг барчаси алданганлардир. Билувчи нафс илм йўлида, ҳақдан кўр қилиб қўйилгандан кейингина жаҳолатга қадам босади, йўлдан адашади”.

Отам (раҳимахуллоҳ) Абдуллоҳ ибн Маслама Мағтабийдан, у Касир ибн Абдуллоҳ ибн Авф Музанийдан, у отасидан, у бобосидан, у Расулulloҳ(с.а.в)дан ривоят қилади. У зот айтдилар: “Умматимга ўзимдан сўнг энг кўрққан нарсам олимнинг адашиши, золимнинг ҳукмрон бўлиши ва эргашиладиган ҳавойи нафс”. Бунинг маъноси бизнинг наздимизда биринчи билан баробар. Золим ҳукм бу адашган ҳақимдир. Эргашилквчи ҳавойи истак ёмон таъвилдир. Икки ҳадиснинг маъноси бир, лафзи турлича. Ўшаларнинг барчаси адашганлардир. Билувчи нафс унга илм йўлини кўрсатмай қўйгандан сўнггина адашади. Жаҳолатга қадам босади, йўлини йўқотади. Ҳақим киши нафс уни кўр қилгандан кейингина нафс ва дунёга мойил бўлади. Таъвил қилувчи ёмон таъвил қилиб, ўзича ўлчовлар ва гумонлар тўқийди. Иблиснинг ўлчовлари ва гумонлари ҳам шунга ўхшайди. У: “Мен ундан яхшиман. Мени оловдан яратгансан”, деган.[:5-6]

Буларнинг барчаси нафс ва ҳавойи истаклар иши. Нафс ўз эгасига ҳавойи истаклар олиб келган ботилни, зулм ва ёлғонни чиройли қилиб кўрсатади. Қалб ўша нафс олиб келган нарсага ишонади. Бунда бу нарсаларнинг кўриниши чиройли, лекин ичи хунукдир. Аллоҳ таоло айтади: “Имон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳақ (Қуръон)га мойил бўлиш (вақти) келмадимми?! (Яна улар учун) илгари китоб ато этилган, сўнгра (пайғамбарларидан кейинги) муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар каби бўлиб қолмаслик вақти келмадимми?! Уларнинг кўпи фосик(итоат)сиздирлар! Билингизки, албатта, Аллоҳ “ўлган” ерни тирилтирур. Мана Биз ақл юргизишингиз учун сизларга оятларни батафсил баён қилдик” (*Ҳадид сураси, 16-17-оятлар*).

Китоб берилганларнинг қалблари уларга ҳақ нозил бўлганидан хушуда эди. Дунёда узоқ яшаб, неъматлар берилганидан сўнг эса бу муддат узайиб, нафс алдашга йўл топиб, уларни алдади. Натижада улар хушунни йўқотиб, қалблари қотди. Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунмадилар ва лаънатландилар. Аллоҳ таоло айтади: “Ўз аҳдларини бузганлари сабали уларни лаънатладик”. Хушу кетса, унинг ўрнига жабр ва такаббурлик келади. Нафс кибрланади. Шунда Аллоҳ таолонинг раҳмати ва мадади узилади. Қалблар қотиб, Аллоҳнинг буйруқларига итоат қилмай қўяди. Бир киши деди: “Бизга шу уч тоифанинг ҳар биридан бир жиҳатини сифатлаб бер. Фикр қилайлик!”.[:6-7]

МУҲОКАМА

Олимларнинг адашуви, ҳақимларнинг тойилиши ва ёмон таъвил нима?
“Олимларнинг адашуви ақллари кеткизадиган саробга ўхшайди аллоҳ таоло ақлни яратиб, унга: “Кел”, деган. У келган. Кейин унга: “Кет”, деган. У кетган. Шунда Аллоҳ: “Қудратимга қасамки, Мен ўзимга сендан кўра суюклироқ нарсани яратмадим. Сен сабали оламан ва сен сабабли бераман. Сен боис танбеҳ бераман. Мукофоту жазо ҳам сенга берилади”, деди.

Абу Абдуллоҳ (раҳимахуллоҳ) айтди: “Аллоҳ таоло муваҳҳидларга ақлни неъмат қилиб берди, одамларга зеҳн берди. Улар ўша зеҳн туфайли нарсаларни бир-бирдан ажратадилар. Муваҳҳидлар ақл билан яхшиликларни ёмонликлардан ажратадилар. Шунинг учун Раббим ўз Китобида хамрни ҳаром қилган. Сўнг бандаларига ҳаром қилишнинг сабабини тушунтириб: “...шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд шунда нажот топсангиз” (*Моида сураси, 90-оят*), деган.

Сизлар эса мўмин биродарларсиз. У сизларга хамрнинг Аллоҳнинг зикри ва намоздан тўсишини билдирди. Чунки у ақлни кеткизади. Ақл кетгач эса чиркин нарсалар келади. Шунга кўра ҳаромдан қайтишлари учун уларга хамрнинг зарарини, унинг ифлослигини билдирди. Яна: “Бас, бутлардан иборат нажосатдан узоқлашинг”, деди. Чунки хамр ҳам бутлар қаторига киради. Бу улкан адашув. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг умматлари учун ўшаларнинг адашувидан кўркишлари ўринлидир. Ўша адашганларнинг ҳаром нарсани ҳалол қилишдаги ҳолатлари ҳам шундай. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: “Аллоҳ ҳаром қилганни ҳалол қилувчини, уни ўзига ҳалол қилдирган кишини ҳам лаънатлади”, деган ҳадислари мутавотирдир”.[:7-8]

Ҳақим – дунё ва охираат ишларида Аллоҳнинг тадбирини кўра оладиган киши. Унинг қалби ҳикмат нури билан дунёни тарк тарк қилиб, охиратини талаб қила олади. Қалб нури заифлиги сабабли огоҳликни тарк қилади, дунёга берилади ва натижада ўз мақомидан четлашади. Унинг бу четлашиши умматга зарар беради. Чунки уммат ундан куч олиб, уни ҳужжат қилган эди. Чунки дунё неъматлари нафс учун захарлидир. Уларнинг захари нафснинг улар билан хурсанд бўлишидир. Хурсандчилик қалбни асир қилади. Қалбнинг хурсандчилиги бор нарса. Қалб хурсандлиги Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан Унинг фазли бошқа одамларга ҳам тегишлидир. Аллоҳ (мўминга) тавҳид неъматини бериб, унинг қалбида шуни давомли қилиш билан раҳм қилди. Унга шунда собитликни насиб қилди.

Нафснинг хурсандлиги дўзах атрофи ўралган шаҳватлар билан бўлади.бу шаҳватлар иблиснинг Раббисидан олган насибасидир. Агар нафс неъмат сабабли ҳавойи нафс, душман одам боласига олиб келган ўша хурсандчилик билан хурсанд бўлса, кейин бу хурсандчилик қалбдаги Аллоҳ тарафидан, Унинг раҳмати билан келган хурсандчиликка етса, ундан устун келса, қалбни асир қилса, уни Аллоҳдан тўсиб қўяди. У дунёнинг неъматларига мафтун бўлиб қолади. Шунда қалб хурсандчилигини йўқотади. Хурсандчиликнинг ҳаммаси нафснинг шаҳватлар билан хурсандчилиги бўлиб қолади. Бу унинг қалбини ўраб олади. Агар Аллоҳ таолони зикр қилса, қалби сўник эканини, нафси эса эскириб, шалвираб қолган кийимдек бўлиб қолганини кўради. Мана шу унинг қалбига етарлича зарар, харобликдир.
[:9-10]

Ҳақим агар огоҳ бўлса-ю, лекин қалбига озгина бўлса ҳам нафс хурсандлиги етса, у тойилади ва зарари кўп бўлади. Чунки у алданади. Ҳикмати олиб қўйилади. Бунинг мисоли, ана шу ҳақим заҳари бор чаённинг нишини ип билан боғлаб қўйганга ўхшайди. Буни у чаён чаққанида заҳари терисига ўтмаслиги учун қилган. Кейин у чаённи олиб, енгига солган. Боғлаган ипини эса текшириб ҳам кўрмади. Бу тарёк (заҳарга қариш дори)ни томирлари тўлгунча ичмаган ҳақимлардан эди. Яна томирлар йўллари, тешикларини ҳам боғламади. Чаённи эса ўша боғичига ишониб енгига ташлаб қўйди. Лекин боғич ечилиб кетиб, чаён нишини урди ва заҳар ҳақимнинг терисидан ўтди. У хушини йўқотди, ақли ва зехни учди. Оқил ҳақим биргина боғичга ишонмайди. У огоҳ бўлиб: “Менинг боғланган ҳолда бўлса ҳам у чаённи ушламаслигим омонликдир. Агар уни кафтимда, кўз олдимда сергак бўлиб ушласам, яхши. Агар боғичдан ечилиб кетса, уни ечилмасдан олдинроқ отиб юборишга улгураман. Агар ундан омон бўлишни истасам, унинг нишини суғуриб оламан”, дейди. Ниҳоят у Аллоҳ таолонинг улуғлигини англаб етиб, қалби фақат Унга боғланса, Ўзини Аллоҳнинг измига топширади. У тўғрисида гапиради, Унинг зикри билан ақл юритади. У учун олади ва У учун беради. Ана шу банданинг қалби ва кўкси Аллоҳ сабали хурсандлик билан тўлган. Нафс ва шаҳватлардан қутулган. Унинг нафсидаги шаҳватлар Аллоҳнинг кўркуви ва ҳайбатидан ўлган. Ана шу киши заҳарга тўла нишни суғуриб ташлаган, дунёдан саломат бўлган кишидир. Агар дунёга яна қўл чўзса ва қалбида дунёдан хурсанд бўлишдан озроқ қолган бўлса, у яна огоҳликни унутади, алданади. Шунингдек, унга ишонч билан эргашганлар ҳам алданади. [:10-11]

Алданганларнинг биринчиси бутларга сиғинганлардир. Улар бутларга Аллоҳга яқинлаштиради, деб ибодат қилишди. Аллоҳни қўйиб, ўзларига уларни шафиъ қилдилар. Улар Аллоҳга имон келтиришди, сўнг ширк келтиришди. Аллоҳ таоло айтади: “Уларнинг аксарияти Аллоҳга фақат мушриклик ҳолларидагина “имон” келтирадилар” (*Юсуф сураси, 106-оят*). Ширк – бир нарсага боғланиб қолишдир. У овда ишлатиладиган “шарак” – овчининг тўри, тузоғи сўзидан олинган. Мушрикларнинг қалби бутларга боғланган. Шундай боғланганки, улар Аллоҳ эмас, ана шу бутлар уларга фойда ва зарар келтиради, деб ўйладилар. Улар бутлардан ўша товушини эшитганларида уни ёқтириб қолдилар. Одам боласи нимани ёқтирса, уни мақтайди, нафсидаги шаҳват сабали кўзига улуғ кўринади. Нафслари уларни ўзларидаги ана шу шаҳват билан алдайди.

ХУЛОСА

Мўминлар бу боғланишдан Аллоҳ уларга берган тавҳид неъматини билан қутулдилар. Фақат Аллоҳга сиғиндилар. Барча фойда ва зарарни фақат Ундан деб билдилар. Ундангина умид қилдилар. Унгагина ибодат қилдилар. Кейин фойда ва зарари бор сабабларга йўлиқиб, уларга алдандилар. Бу нафс ишидир. Қалб эса, ҳар ишда Аллоҳга имо қилади. Уни мулоҳаза қилади. Нафс эса, нарсалар, уларда яширин бўлган сабабларни мулоҳаза қилади. Унинг яширинлиги – “У сенга буни одамларнинг кўлидан, осмондан, ердан, куёшдан, ойдан, иссиқ, совуқ, хулқ ва ҳилқатдан бергандир. Асл берувчи Удир. Яралганлар сендан Уни тўсиб қўйди. Сен улардан зохирда, кўз ўнгингда оласан. Бу эса, ботинда бу нарсаларни Аллоҳ таолодан олишингни тақозо қилганди. Сенга бошингдаги кўзларингни барча нарсаларни кўришинг ва бунинг хабарини ботиндаги кўзингга етказиш учун берган. Рухнинг ҳаёт нури ана шу кўз туфайлидир. Қалбнинг кўзида доимо ҳаёт –

Боқий Зотнинг нури бор. Ҳар доим ҳаёт – Боқий Зотнинг ҳаёт нури билан ботиний нарсалар, яъни рубубият идрок қилинади”.

Қалб кўзининг нури ошганида нарсаларни кўришинг ва билишинг ҳам ортади. Агар кўз кўришининг олдини булут каби бирор тўсиқ тўсса, кўришга етган заифлик ва ўртани тўсиб қолган булут сабабли нарсалар чаплашиб кўринади ва кўра олмай қоласан. Худди шундай, агар қалб кўзи кўришининг олдини гуноҳу маъсиятлар булути, нодонлик тутуни, ҳавойи нафс ғубори тўсиб қўйса, Аллоҳ таолонинг рубубий ишларини англай олмайсан, қалбингга етган заифлик туфайли буларни кўра олмайсан. Ана шунда сен нафс чақирган алдовларга ишонасан.[:16]

Адабиётлар рўйхати

1. Термизий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким. Оқиллар ва алданганлар/Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий; таржимон: А.Раҳматуллаев; Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази.- Тошкент: Movarounnahr, 2018-96 б.
2. Чориев З., Аннаев Т., Муртазаев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 149 б.
3. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000. – 95 б.
4. Ал-Ҳаким ат-Термизий, Қайтарилган амаллар (ал-Манҳийёт). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи М.Исмоилов. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро маркази”, 2019. – 256 б.
5. Термизий алломалар / С.Турсунов ва бошқ. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 272 б.
6. Ал-Ҳаким ат-Термизий, “Яширин масалалар” (“ал-Масоил ал-макнунa”). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи М.Исмоилов. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро маркази”, 2019. – 216 б.
7. Radtke V. Theologen und Mystiker in Hurasan und Transoxanien. Zeitschrift der Deutschen Morganländischen Gezelshaft. Stuttgart, 1986.
8. Термизий, Ал-Ҳаким. Нодир масалалар /араб тилидан таржима/. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи И.С.Усмонов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2007. – 88 б.